2."Управление","менеджмент","руководство"?/bulgarlar.ru/kak_sootnosjtsj_katego..
3/ Знания, умения, навыки, необходимые современному руководителю / http: // www.allbest.ru
4. Понятие руководства / psyoffice.ru/3-0-uprav-ponat1.htm
5. Основные навыки руководителя: характеристики и рекомендации по их развитию / bizataka.ru /menedzhment /persona.
6. Основные управленческие навыки руководителя / megaobuchalka.ru/7/31148.html
7. Кнорринг В.И. Искусство управления. - М.: БЕК, 2009. –С. 245.
8. Кохно П.А. и др. Менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2009. –С. 217.
9. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2006. 230-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада раҳбар, менеджернинг умумий ва бошқарув кўникмалари ҳамда уларнинг башқарув фаолиятидаги роли кўриб чиқилади. "Персонални бошқариш", "раҳбарлик", "менежмент" тушунчаларига таъриф берилиб, улар ўртасидаги фарқларга қисқа изоҳ берилган. Ёш раҳбарларда умумий функционал ва бошқарув кўникмаларини шакллантириш масалаларига оид тадқиқотларни ташкил қилишнинг долзарблиги асосланилган. Мақола ОТМ талабалари, изланувчилар, менеджерлар, бошқарув ходимлари, кадрлар менежменти бўйича мутахассислар учун илмий аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются общие функциональные и управленческие навыки руководителя, менеджера, их роль в практике управленческой деятельности. Приводятся определения понятий «управление персоналом», «руководство», «менеджмент», кратко описаны их различия. Обозначена актуальность проведения исследования по проблеме формирования общих функциональных и управленческих навыков у молодых руководителей. Статья имеет научно-познавательное значение для студентов вузов, соискателей, менеджеров, управленческих работников, специалистов по кадровому менеджменту.

SUMMARY

The article deals with the general functional and managerial leadership skills, management, their role in the practice of management. There are given the definitions of the concepts of "staff management", "management", the author briefly describes their differences. It denotes the relevance of the study of the problem of forming the common functional and managerial skills of young leaders. The article has scientific and educational value for students, aspirants seekers, managers, administrative workers, specialists in human resource management.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ КЎП ВЕКТОРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А.Ибрагимов - *докторант*
ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: вектор, таълим вектори, кўпвекторлилик, модулли-жамғариладиган малака ошириш, илмий-методик ҳамроҳлик, индивидуал таълим траекторияси.

Ключевые слова: вектор, образовательный вектор, многовекторность, модульно-накопительное повышение квалификации, научно-методическое сопровождение, индивидуальная образовательная траектория.

Key words: vector, educational vector, multi-vector, module-accumulated professional development, scientific and methodological accompaniment, trajectory of individual education.

Таълим соҳасидаги устуворлик мамлакатнинг келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир, мукаммал шаклланган баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган экан, бу жараённинг бевосита иштирокчилари бўлган педагог ходимларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантиришга масъул тизимда замонавий ислоҳотлар олиб борилиш тақозо қилинади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида қабул қилинган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида самарали меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилиш имкониятини яратди. Шунингдек, соҳада педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва мазмунан модернизациялаш, ўқув жараёнини ташкил қилишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш самарадорлигига доир бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди [1, 2, 3, 5, 7, 9, 12].

Олиб борилган тадқиқот ишларини ўрганиш, давлат ва жамиятнинг мазкур соҳага қўяётган вазифалари ва бир неча йиллик амалий фаолият ҳамда ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра ҳозирги пайтда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида зудлик билан ечимини ўз кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди:

-халқ таълими муассасалари педагог ходимлари касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини аниқлаш, эҳтиёжлар жамғармасини тузиш ва доимий мониторингини олиб боришнинг ягона тизимининг йўқлиги;

-малака ошириш курслари ўқув режа ва дастурлари мазмунида мазкур эҳтиёжларни тезкор ва манзилли сингдиришга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги, турли вариатив дастурларнинг амалиётда йўқлиги;

-таълим дастурларини тузишда тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари четда қолаётганлиги ва уларда танлаш имкониятининг яратилмаганлиги;

-педагогларнинг узлуксиз малака оширишга мотивларини шакллантириш ва рағбатлантириш механизмларининг мукаммал эмаслиги ҳамда улар фаолиятида асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажармаётганлиги;

-малака ошириш соҳасида таълим хизматларини кўрсатиш муассасаларининг ҳар хил эмаслиги, борларининг ҳам ўзаро алоқадорлик даражасининг ниҳоятда пастлиги;

-тизимда мавжуд ахборот воситалари ва масофавий ўқитиш имкониятларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳамда бу соҳанинг педагогларга доимий илмий-методик ёрдам кўрсатиш даражасига кўтарилмаганлиги;

-малака ошириш таълим муассасаси ва методик хизмат кўрсатиш тушунчаларининг амалиётда "тандем"ининг етишмаслиги;

-жараёнда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирокининг сезилмаслиги (маҳорат мактабларида озгина бор, лекин талаб даражасида эмас).

Мазкур муаммоларнинг самарали ечимига эришиш учун халқ таълими ходимлари малакасини оширишни янги сифат босқичига кўтариш, уларнинг индивидуал эҳтиёжлари, касбий маҳоратлари даражаси ва лаёқатларини инобатга олувчи кўп босқичли илмий-методик ҳамроҳликни ташкил этиш, шунингдек, ўқув жараёнини ходимнинг индивидуал таълим траекториясини назарда тутувчи модулли-жамғариладиган тизим асосида ташкил қилиш, мухтасар айтганда, педагог ходимлар малакасини ошириш тизимига кўп векторли ёндашув зарур.

Таълим моделларини лойиҳалашга кўп векторли ёндашув малака ошириш таълимини ривожлантириш

ва стратегик режаларини тузиш ҳамда башорат қилишда инновацион ва интегратив жараёнларни таъминлайди. Бундай танлов эса фаоллаштириш, индивидуаллаштириш, дифференциаллаштириш, вариативлик, уйғунлаштириш каби тамойиллар мавжудлигини ҳамда малака ошириш таълимининг когнитив ва шахсга йўналтирилганлигини, ривожлантирувчи, фаолиятли ва рефлексив характерга эга бўлишини тақозо қилади. Педагоглар малакасини оширишни кўп векторли ёндашув асосида ташкил қилиш давлат ва жамият буюртмасини бажариш, касбий эҳтиёжларини қаноатлантиришга ёрдам беради ҳамда малака ошириш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда педагогларнинг касбий компетентлилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида вектор (лот. vector – элтувчи, кўчувчи) бошланғич ва охирги нуқталарига ҳамда йўналишга эга бўлган чизиқ сифатида изоҳланади. Вектор тушунчаси фақат сон билан эмас, балки йўналиш билан ҳам ифодаланадиган миқдорларни белгилайди [11:412-413]. Демак, векторни муайян йўналишнинг ва ўлчамнинг мавжудлиги сифатида қарашимиз мумкин.

Н.И.Сперанская таълим векторига қуйидагича таъриф беради: “Вектор” ўзининг лотинча этимологиясига кўра “элтувчи, олиб борувчи” маъносига эга бўлиб, кенг маънода тушунишда ҳаракатнинг йўналишини, ҳаттоки мақсад йўналишини ўзида ифода этади. Шундай қилиб, педагогик контекстда мазкур атамани турли хил таълим мақсадларига эришишга йўналтирилган фаолият сифатида белгилаш мумкин. Бинобарин, талаба ва педагогнинг индивидуал таълим маршрутини лойиҳалашда биргаликдаги фаолиятининг таълимга доир вектори юқори натижадорлик ёки талабаларнинг бирор бир йўналишдаги ўқув ёки илмий-тадқиқот фаолияти натижадорлигини оширишга эришиш бўлади. Тўғри танланган таълим вектори ва пухта ишланган таълим маршрути билан талабанинг билимсизликдан билимга, компетентсизликдан компетентлиликка қаратилган траекторияси тўғрироқ ва қисқароқ бўлади, бошқача айтганда, таълим жараёнининг самарадорлиги ошади [6:57].

О.Е.Яцевич таълим векторини янгилик сифатида эътироф этади ва аниқ йўналиш мавжуд бўлганда мақсадга сезиларли даражада тез, кам меҳнат ва кам вақт сарфлаб эришиш деб қарайди [6:58].

Психолог олим Б.Ф.Ломовнинг кўрсатишича “мотив ва мақсад субъектнинг фаолият йўналишини, шунингдек, уни бажаришда ривожлантириладиган интилишлари ўлчамларини белгилайдиган ўзига хос “вектор”ини ҳосил қилади. Бу вектор фаолият давомида шаклланадиган психологик жараёнлар ва ҳолатларнинг бутун тизимини ташкиллаштирадиган тизим пайдо қилувчи омил сифатида намоён бўлади” [8:445-446].

“Кўпвекторлилик” тушунчаси эса педагог ходимлар қўшимча касбий таълими тизимига жорий асрнинг бошларидан кириб келди. Д.А.Махотин фикрича, “Кўпвекторлилик таълим тизими, таълим жараёнининг турли йўналишдаги ва катталикдаги ривожланиш векторларининг ягона ёндашув, ягона моделда бирикишини ифодалайди” [4:98]. Бу ҳолатда кўпвекторлилик таълим жараёнини бир текис ва изчил тузишга бутунлай тескари ёндашув бўлган, нотекис, вариатив ҳамда шахсга йўналтириб ўқитиш стратегиясини амалга оширишнинг энг яхши амалиётларини бирлаштириш механизми сифатида қаралмоқда.

Халқ таълим ходимлари малакасини оширишга кўпвекторли ёндашувни қуйидаги векторларда қараш унинг самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради:

- педагогларнинг иш жойларига яқинлаштирилган малака оширишларига илмий-методик ҳамроҳликни амалга ошириш;
- инвариант ва вариатив модулларга асосланган модулли-жамғариладиган малака ошириш тизимини жорий қилиш омилларини белгилаш;
- педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш ва амалга ошириш.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мавжуд тизимини тўлиқ шаклланган қўшимча касбий таълим тизими сифатида қараш мумкин. Чунки унинг таркибида академиялар, малака ошириш институтлари, малака ошириш тармоқ марказлари, факультетлар ва бошқалар мавжуд. Шунингдек, халқ таълими ходимлари касбий маҳоратларини доимий ошириб боришга қаратилган узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг фаолиятлари натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жараёни ҳам бевосита тегишли таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш тизимининг таркибий қисмларидир.

Педагоглар малакасини ошириш ва уларнинг рақобатбардошлигига эътиборнинг кучайиши тизимга малака оширишнинг истиқболли шаклларини жорий этишга мойилликни кучайтирмоқда. Мисол сифатида халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнига муваффақият билан татбиқ этилган хорижий тил ўқитувчилари учун ҳафталик курслар, маҳорат мактаби, методист мактаби, қисқа муддатли курслар каби узлуксиз малака оширишга хизмат қилувчи шаклларни келтириш мумкин.

Модулли-жамғариладиган малака ошириш тизим худди шундай самарали шакл бўлиб, кўплаб хорижий давлатларда педагоглар касбий маҳоратини доимий ривожлантириб бориш воситаси сифатида қаралади. Бундай тизим анъанавий равишда олдиндан белгилаб қўйилган, тегишли мутахассислик доирасидаги барча тингловчиларга ва бир неча йилга мўлжалланган умумий малака ошириш дастурлари орқали ҳамда гуруҳларда ҳаммани бир хил йўналишда ўқитишдан воз кечиш, модулли ўқув дастурларига ўтишни ва фақатгина шу асосда давлатнинг таълим олдига қўядиган вазифалари ва тингловчининг касбий эҳтиёжини қаноатлантирадиган, аҳамиятлиси малака оширишни мустақил тузиладиган индивидуал таълим дастурлари воситасида ташкил этишни назарда тутади.

Жамғариладиган малака оширишни ташкил этиш бўйича республикамизда илғор тажрибалар тўпланмоқда. Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизмида нафақат малака ошириш курсларидаги давр, балки касбий фаолияти ҳам электрон портфолио кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби ўрнатилган бўлиб, бундай баҳолаш натижасида “педагог кадрлар малакасини оширишнинг барча шакллари амалиётда қўлланишини тизимли таҳлил этиш имкониятлари шаклланади. Шунингдек, электрон портфолио тизимининг жорий этилиши педагогларнинг креатив салоҳиятларини босқичма-босқич ривожлантиришга муҳим шароитлар яратади, ихтисослаштирилган малака ошириш муассасаларида педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш имкониятлари вужудга келади” [10:12].

Шунингдек, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тизимида ҳам мутахассислари малака

ошириш даврийлиги оралиғида белгиланган миқдордаги таълим дастурлари асосида ўқитиш курсларидан ташқари, мажбурий тарзда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малака оширишнинг тегишли шаклларидан ҳам ўтишлари зарур бўлади. Баҳолаш эса тўпланган барча ўқув соатлари йиғиндисига кўра амалга оширилади.

Педагоглар касбий маҳоратини оширишда узлуксиз методик хизматнинг ҳам ўрни беқиёс бўлиши лозим. Чунки, методик ишлар узлуксиз малака ошириш тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида курслар ва улар оралиғида педагогларга методик ёрдам кўрсатишнинг бирча мазмуний ва ташкилий шаклларини қамраб олади. Шунинг учун методик ишларни педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, фаолиятида таълимга доир вазифаларни маҳорат билан уддалаш, педагогик маҳоратини давлат таълим стандартлари қўяётган талаблар даражасида ўз такомилига етказишда ўзининг ички имкониятлари, англанган фаолияти ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда оширишга илмий-методик ҳамроҳлик даражасига кўтариш керак бўлади.

Илмий-методик ҳамроҳлик малака оширишнинг инновацион шакли сифатида жамиятнинг педагог ходимлар касбий компетентлигига қўядиган талаблари ва уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, мотивларини ошириш, алоҳида хусусиятларини эътиборга олиш, касбий фаолиятларига қулай шароитлар яратиш, касбий зиддиятларини ташхислаш ва самарали ечимини топиш, уларнинг ўзини-ўзи ривожлантиришларига кўмак бериш, асосийси узлуксиз малака оширишларига эришишни таъминлайди. Бу жараёнда малака ошириш таълимини кўп вариантли қилиш, педагогларга ўқув мазмуни, шакли ва вақтини танлаш имкониятини бериш, давлат ва жамият буюртмаси устуворлигини инкор қилмаган ҳолда, таълим муассасаси ва педагоглар касбий эҳтиёжларини инобатга олиш имконини берувчи индивидуал таълим траекториясини қуришга шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогнинг индивидуал таълим траекторияси малака ошириш муҳитининг чегаралари ва имкониятларини кенгайтиради ҳамда уларда малака ошириш мотивларининг мустаҳкамланиши, касбий компетентлигини узлуксиз оширишнинг қулай ва самарали воситаларини танлаш ва амалга оширишга шароит яратади. Шунингдек, педагогларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари, шахсий мотивлари, тажрибаси, малака даражаси ва ижтимоий имкониятларини инобатга олишга хизмат қилади.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш ундан касбий дефицитлари даражасини англаш ва баҳолай олиш, лойиҳалаш ва ривожланиш нуқталарини олдиндан кўра олиш каби кўникмаларга эга бўлишини талаб қилади ҳамда педагогга касбий компетентлигини такомиллаштиришга фаол интилиш, тезкор рефлексив ростлаш ва илмий-методик ҳамроҳлик асосида касбий ва шахсий индивидуаллигини кўрсатиш ва исботлаш, қадриятли-англанган дунёқараши ва эътиқодини юксалтириш, илғор тажрибаларини намоён қилиш ва оммалаштириш, алоҳида ўзига хос бўлган касбий маҳоратини ўстиришга шароит яратади

Педагог ходимлар малакасини оширишнинг узлуксизлигини таъминлашга шароит яратиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ҳаётий фаолиятининг таркибий қисми сифатида педагогик тажрибасини доимий такомиллаштиришнинг зарурий шартидир. Чунки, жамият тараққиётининнг замонавий тенденциялари юқори малакали, ижодий изланадиган, ижтимоий фаол, рақобатбардош ва ўз ўқувчиларини ҳаётга тайёрлаш салоҳиятига эга бўлган ўқитувчиларга эҳтиёжни юзага келтирмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, малака ошириш тизимига кўп векторли ёндашувни татбиқ қилиш тингловчиларнинг мустақил билим олиш кўникмаларини такомиллаштириш орқали малака ошириш самарадорлигига эришиш, ички имкониятларини рўёбга чиқариш ва ўзларини намоён қилиш, касбий ўзаро таъсир самарадорлигини ошириш, педагог ходимларнинг узлуксиз малака оширишининг ва касбий компетентлигининг доимий равишда ўсиб боришини таъминлаш ҳамда рақобатбардош ҳолатда ушлаб туриш имкониятини беради.

Адабиётлар

1. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми). –Т.: «Ўқитувчи», 1998. 208-б.
2. Зарипов К. Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарларининг роли. /Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, халқ маорифи ходимлари малакасини ошириш факультетининг тингловчилари учун методик қўлланма. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1993. 112- б.
3. Марданов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (Монография). – Т.: «Фан», 2006. 228-б.
4. Махотин Д.А. Многовекторная модель допольнительного профессионального образования: подходы и перспективы реализации. / Вестник РМАТ №4, 2014. -С.98-102.
5. Саидкулов Ш. Педагогические основы дифференциации учебного процесса системы повышения квалификации учителей в Узбекистане: автореф.дисс....канд.пед.наук. –Т.: 1994. –С. 20.
6. Сперанская Н.И., Яцевич О.Е. Самопроектирование индивидуального образовательного маршрута студента: миф и реальность / Вестник ОГУ. – 2016. № 2 (190). - С. 56-61.
7. Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Пед. фан. док. ...дисс. -Тошкент: 2007.324-б.
8. Фомина Н.В. Формирование положительной мотивации на уроках математики как средство повышения эффективности обучения. // Инновационные направления развития дополнительного профессионального педагогического образования. Матер.межд.конф., 10 октября -13 ноября. –Донецк: 2016, –С. 445-451.
9. Шадиметова Д.Х. Таълим хизматлари бозорида малака ошириш тизими маркетинг стратегиясини такомиллаштириш (иқтисодиёт соҳаси профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш институтлари мисолида): Иқтис.фан.ном....дисс. –Тошкент: 2011. 155-б.
10. Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини оширишининг ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: Пед.фан. ... (PhD) дисс. автореферати. –Тошкент: 2017, 51-б.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд / Таҳрир ҳайъат: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2001, 704-б.
12. Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед.фан. ...(DSc) дисс. автореферати. –Тошкент: 2016, 92-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўпвекторли ёндашув асосида такомиллаштириш ҳамда таълим вектори ва кўпвекторлилик тушунчаларининг моҳияти ёритилган. Шунингдек, илмий тадқиқотлар таҳлили асосида кўпвекторли ёндашувнинг йўналишлари ва амалга ошириш шарт-шароитлари белгиланган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются многовекторный подход в совершенствовании системы повышения квалификации работников народного образования, сущности понятий «образовательный вектор» и «многовекторность» в образовании. А также, определяются направления и условия внедрения многовекторного подхода на основе анализа научных исследований.

SUMMARY

The article is devoted to the multi-vector approach in the development of the system of improving qualification of public education' personnel. On the basis of scientific research analysis there were defined the directions and conditions of the multi-vector approach.

БАСЛАЎЫШ КЛАСС ОҚЫЎШЫЛАРЫН ӘДЕП-ИКРАМЛЫЛЫҚҚА ТӘРБИЯЛАЎДА ХАЛЫҚ АЎЫЗЕКИ ДӨРЕТПЕЛЕРИНИҢ ТУТҚАН ОРНЫ

У.Ихласов - *ассистент оқытыўшы*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты
И.Ихласов – *ассистент оқытыўшы*
ҚРХБХҚТОҚАИ

Таянч сўзлар: маънавий ривожланиш, халқ оғзаки ижоди, таълим- тарбиявий дастурлар, маънавий, эстетик, педагогик дунёкараш, кўлёзма дарсликлар, умуминсоний кадриятлар, миллий кадриятларга содиқлиқ, этнопедагогик эртак, ҳадис, миллий байрамлар, ақлий тажриба.

Ключевые слова: духовное развитие, фольклорные образовательные традиции, духовная эстетика, педагогические взгляды, рукописные учебники, общечеловеческие ценности, преданность национальным традициям, этнопедагогичность, сказки, хадис-сборник религиозно нравственных правил, национальные праздники, умственный опыт.

Key words: spiritual development, folklore educational traditions, spiritual aesthetics, pedagogical points of view, hand written textbooks, common human values, loyalty to national traditions, ethnopedagogics, fairy tales, hadis a collection of religious-moral codes, national holidays, intellectual experience.

Бирде бир жәмийет, адамлар санасында руўхый имканиятларын раўажландырмай ҳәм беккемлемей турып, өз келешегин дүзе алмайды. Қарақалпақ халқы да басқа халықлар сыяқлы өзиниң бай өтмишине, фольклорына ҳәм үрп-әдет тәлим-тәрбиялық дәстүрлерине ийе. Мине, усындай руўхый мийрасларымыздың бири болған халық аўызеки дөретиўшилигин тереңнен үйрениў ҳәм оны ҳәзирги турмысымызда пайдаланыў зәрүрликлери жүзеге аспақта. Миллий мийрасларды билмей турып, қарақалпақ халқының тарийхын билиў мүмкин емес. Халық аўызеки дөретпелери жанрларында тынышлық ушын гүрес, ўатанды көз-қарашығындай сақлаў идеялары, бул бойынша мәртлик көрсеткен қаҳарманлар батырлығы ҳаққында сөз жүритиледи. Онда қарақалпақ халқының үрп-әдети, тәбият ҳәм жәмийет қубылысларына болған қатнасы, бахытлы турмыс ҳаққындағы арзыў-нийетлери, қайғы ҳәм шадлық сезимлери сәўлеленеди, әсирлер даўамында халқымыздың жыйнаған бай тәжирийбелерин, социаллық-экономикалық, философиялық, руўхый эстетикалық көзқарасларын, тәжирийбе нәтийжелерин әпиўайы, бирақ әдеўир терең данышпанлық тийкарында баянлайды. Ҳәммемизге мәлим, қарақалпақ халқының педагогикалық көзқараслары әсирлер даўамында қәлиплесип, олар бизге қолжазба, сабақлықлар тәризинде емес, ал тийкарынан халық аўызеки дөретпелеринде сақланып жетип келген. Жәмийеттиң-социаллық экономикалық ҳәм мәдений жақтан раўажланыўы оның руўхый тийкарларының раўажланыўы менен тығыз байланыслы. Биринши Президентимиз И.Каримовтың көрсеткениндей: "бул тийкарлар улыўмаинсаныйлық қәдириятларға садықлық, халқымыздың руўхый мийрасын беккемлеў ҳәм раўажландырыў. Инсанның өз имканиятларын еркин көрсете алыўынан ҳәм ўатан сүйиўшиликтен ибарат" [1:86-88]. Мине, усындай руўхый ҳәм әдеп-икрамлылық, улыўмаинсаныйлық қәдириятлар халқымыздың неше әсирлер даўамында ардақлап, қәстерлеп киятырған бийбаҳа мийрасы. Руўхый улыўмаинсаныйлық қәдириятлар қатарына ўатанды сүйиў ҳәм оны ардақлаў, миллий дәстүрлерге садықлық, жоқары адамгершиликли қәсийетлер ҳәм т.б. киреди. Тәлим-тәрбия процесинде усындай пазыйлетлерге тәрбиялаў ата-аналарымыз ҳәм педагоглардың алдында турған жуўапкершиликли ўазыйпалардан есапланады. Себеби, тәлим-тәрбия ошағы шаңарақ ҳәм мектеп. Билим ошағы есапланған мектеплерде тийкарынан баслаўыш билим бериў мектеплериниң баслаўыш классларында оқып атырған оқыўшыларға тәлим-тәрбия бериўдиң педагогикалық тийкарларын үйретсе, шаңарақта ҳәр бир миллеттиң өзине тән тәрбиялық өзгешеликлери, миллий үрп-әдет дәстүрлери үйретилип барылса тәлим-тәрбия процесиндеги реформалар әмелге асырылады. Ҳәр бир халықтың, миллеттиң өзиниң миллий өзгешеликлери, жасаў тәризи, тәрбиялаў дәстүрлери бар. Бундай өзгешеликлерди педагогика илимлериниң докторы Ө.Әлеўов этнопедагогика деген термин арқалы былайынша түсиндиреди: «Этнопедагогика илим сыпатында белгили бир миллет, халық яки этникалық группаға тән типлескен тәлим-тәрбиялық айырмашылықлар мазмунын үйренип, изертлеў барысында халықтың бала тәрбиялаўдағы үрп-әдетлерине, жәмийетлик турмысына, дәстүрлерине диний түсиниклери менен дүньяға көзқарасына, материаллық ҳәм руўхый мәдениятына, тил айырмашылығы менен географиялық жайласыўы және ис-ҳәрекетлери системасына тийкарланады ҳәм фольклорлық бағдардағы тәрбиялық тәжирийбелери арқалы өзгешеленип турыўын көрсетиўши белгилердиң топланғаны, халықтың миллий үрп-әдетлерин сақлаған ҳалда тарийхый және мәдений раўажланыў дәрежесиниң тийкарғы белгилерин өзинде жәмлеп даўам етип отырады» [2:56-61].

Баслаўыш класс оқыўшыларын әдеп-икрамлылыққа тәрбиялаўда халық аўызеки дөретпелеринен пайдаланыў арқалы оларда өзлигин аңлаў, ўатан сүйиўшилик, қатнас мәденияты ҳәм пазыйлетлери қәлиплестириледи, сондай-ақ, ақылый, әдеп-икрамлылық тәрбия бериў бағдарлары әмелге асырылады. Баслаўыш класс оқыўшыларының қандай инсан болып жетилисиўи муғаллим, ата-ана тәрбиясы ҳәм қоршаған орталық тәсирине байланыслы. Бала жаслығынан ата-анасы, устазы, дослары, әтирaптағы адамлардан руўхый азық алады, оларға еликлейди, көп ғана үрп-әдетлерди, минез-қулықты өзлестиреди. Бала тәрбиясында олардың жасына, руўхият ҳәм түсинигине, минез-қулқына айрықша дыққат бериў зәрүр. Қулласы, тәрбия ислерин биргеликте алып барыў бәрқулла унамлы нәтийже берген. Тәрбияның өз ўақтында, жетерли дәрежеде берилиўи шаңарақтың, балалар бақшасының, мәҳәллениң тынышлығы болып есапланады. Ҳәр бир шаңарақ бахытлы болса,